



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ

Қ А Р О Р И

N 1000

2022 й. "24" сентябрь

№ 21/8

Тошкент ш.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг коррупцияга қарши
курашишга оид ички норматив-хуқуқий хужжатларни
такомиллаштириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги ва “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги” қонунларида белгиланган коррупцияга қарши курашишга оид талабларини амалга ошириш ҳамда Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ички норматив-хуқуқий хужжатларини такомиллаштириш мақсадида, Марказий банк бошқаруви

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Куйидаги ички норматив-хуқуқий хужжатлар:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг коррупцияга қарши курашиш Сиёсати 1-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва бошқариш тўғрисидаги Низом 2-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида коррупцияга қарши курашиш тизимининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботни шакллантириш ва тақдим этиш тўғрисидаги Низом 3-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида ишга қабул қилинаётган номзодларни ўрганиш тўғрисидаги Йўриқнома 4-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида ходимларни этика ва коррупцияга қарши курашиш соҳасида ўқитилишини ташкил этиш тўғрисидаги Йўриқнома 5-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида контрагентларни ўрганишга оид Йўриқнома 6-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар ҳамда манфаатлар тўқнашуви тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Регламенти 7-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида ходимларнинг коррупциявий хатти-ҳаракатлари ва одоб-аҳлоқ қоидаларини бузиш ҳолатлари устидан хизмат текширувларини ўтказиш Регламенти 8-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш Услубиёти 9-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк тизимида коррупцияга қарши тартиб-таомилларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш Услубиёти 10-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Комплаенс-назорат ва ички аудит департаменти (Ш.Куваталиев) Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ички норматив-хукукий хужжатларида белгиланган тартиб-қоидаларни амалиётга татбиқ этилишини ҳамда уларнинг самарадорлиги мониторинг қилиб борилишини таъминласин.

3. Кадрлар билан ишлаш департаменти (В.Хамроулов) ҳамда Комплаенс-назорат ва ички аудит департаменти (Ш.Куваталиев) мазкур қарор талабларидан келиб чиқиб, бир ой муддатда барча ходимларни Марказий банкнинг коррупцияга қарши курашишга оид ички меъёрий хужжатлари талаблари билан таништиурсин, ўкув семинарларини ташкил этилишини таъминласин.

4. Марказий банк Бошқарувининг 2001 йил 23 июндаги 14/12-сонли қарори билан тасдиқланган “Марказий банк тизимида Хизмат текширувлари ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом ҳамда Марказий банк Бошқарувининг 2020 йил 26 декабрдаги 28/24-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг коррупцияга қарши курашиш Сиёсати” ўз кучини йўқотган ҳисоблансан.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Марказий банк раиси ўринбосари Б.Ю. Абубакиров зиммасига юклатилисин.

Марказий банк раиси



М.Б. Нурмуратов

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг
2022 йил “24”сентябрдаги
21/8 - сонли қарорига
9 – илова
№ 1000

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида
коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш**

УСЛУБИЁТИ

Мазкур услубиёт Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (кейинги ўринларда - Марказий банк) фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Марказий банкда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашнинг мақсадлари қуйидагилар ҳисобланади:

Марказий банк фаолиятини комплекс таҳлил қилиш орқали коррупция хавф-хатарига энг кўп мойил бўлган функция ва лавозимларини аниқлаш;

коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича самарали олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

2. Марказий банкда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш йилда камидан бир марта ёки қуйидаги ҳолатлар юзага келганда амалга оширилади:

коррупциявий хавф-хатарларни бирламчи баҳолаш зарурияти;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик талабларининг ўзгариши;

функция ёки тартиб-таомилнинг амалга оширилишига сезиларли равишда таъсир кўрсатувчи ички хужжатлари ўзгариши;

Марказий банк тузилмасининг, функцияларини амалга оширишида ўзига хос жиҳатларининг ўзгариши, янги функцияларнинг юкланиши.

3. Марказий банкда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш қуйидагиларни ишлаб чиқилишини назарда тутади:

коррупциявий хавф-хатарлар харитаси;

коррупцияга қарши курашиш чоралар (тадбирлар)ни, масъул шахсларни, амалга ошириш механизми ва муддатларини ўз ичига белгилаб олган коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур.

4. Ушбу Услубиётда “Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг коррупцияга қарши курашиш Сиёсати”да белгиланган атамалар ҳамда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

коррупциявий хавф-хатар - шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда мавжуд сабаб ва шароитларда коррупциявий харакатларни содир этиш эҳтимоли;

қолдиқ хавф-хатар - аниқланган коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш юзасидан белгиланган чорадан кейин сақланиб қоладиган хавф-хатар;

коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш - Марказий банк фаолиятини (вазифа ва функциялар) таҳлил қилиш, мавжуд коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва ушбу хавф-хатар даражасини баҳолаш бўйича фаолият;

коррупциявий хавф-хатарлар харитаси - Марказий банкнинг фаолиятида амалга ошириладиган вазифа ва функциялар (жараёнлар) билан боғлиқ юзага келиши мумкин бўлган коррупциявий хавф-хатарнинг тавсифи ва даражаси, функцияларни (жараёнларни) тартибга солувчи механизмлар, функциялар (жараёнларни) амалга оишришга масъул бўлган лавозим, коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чоралари, қолдиқ коррупциявий хавф-хатар даражаси, коррупциявий хавф-хатарни минималлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш учун масъул ижрочиларни ўз ичига олган ҳужжат;

коррупцияга оид хуқуқбузарлик - коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш.

2-боб. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашни ташкил этиш

5. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш коррупцияга қарши комплаенс-назорат фаолиятини амалга оширувчи таркибий тузилма ва/ёки масъул шахс (кейинги ўринларда - Ички назорат тузилмаси) ёки Ишчи гурӯҳ томонидан амалга оширилади.

6. Ички назорат тузилмаси ёки Ишчи гурӯҳ коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашда қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш жараёнини ташкиллаштиради ва мувофиқлаштирида;

коррупциявий хавф-хатарлар харитасини ишлаб чиқади;

коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур лойиҳасини ишлаб чиқиши;

агентлик ва жамоатчилик томонидан берилган таклифлар асосида коррупциявий хавф-хатарлар харитасини ва коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур лойиҳасини такомиллаштириш;

ушбу Услубиётда кўзда тутилган бошқа вазифаларни амалга оширади.

Ички назорат тузилмаси ёки Ишчи гурух зарур ҳолларда таркибий бўлинмалардан қўшимча ахборот ва хужжатларни талаб қилиб олиши мумкин.

3-боб. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш тартиби

7. Марказий банқда хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш жараёни тегишли буйруқ (фармойиш) асосида амалга оширилади.

8. Ички назорат тузилмаси ёки Ишчи гурух Марказий банк фаолиятидаги вазифа ва функцияларнинг тавсифи ушбу Услубиётнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда тузилади.

9. Марказий банк фаолиятидаги коррупциявий хавф-хатарлар ички ва ташқи ахборот манбалари асосида аниқланади.

10. Ички ахборот манбалари қуидагилардан иборат:

Марказий банк фаолиятида вазифа ва функцияларнинг хуқуқий асоси, таркибий бўлинмалар низомлари, ходимларнинг лавозим йўриқномалари ва х.к.;

назорат материаллари, шу жумладан хизмат текшируви материаллари;

одоб-ахлоқ комиссияси мажлисларининг йиғилиш баённомалари;

коррупцияга қарши курашиш ишларининг мониторинг натижалари;

Ички назорат тузилмаси ёки Ишчи гурух томонидан ўтказилган сўровномалар натижалари ва бошқалар.

11. Ташқи ахборот манбалари қуидагилардан иборат:

хуқуқбузарликлар тўғрисидаги мурожаатлар (хабарлар) ва статистик маълумотлар;

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ёки бошқа давлат ташкилотлари томонидан Марказий банк фаолияти (вазифа ва функциялари) юзасидан ўтказилган сўровномалар, шу жумладан социологик тадқиқотлар натижалари;

хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тақдим этилган материаллар ва бошқалар.

12. Ички назорат тузилмаси ёки Ишчи гурух томонидан коррупциявий хавф-хатарларни аниқлашда қуидаги ҳолатлар таҳлил қилиниши лозим:

ходим томонидан содир этилган коррупцияга оид хуқуқбузарлик;

Марказий банк томонидан фаолиятидаги вазифа ва функцияларини амалга оширишда жисмоний ва юридик шахслар учун сунъий тўсиқларнинг мавжудлиги;

ўз вақтида қарор қабул қиласлиқ, асоссиз тезкор тартибда қарор қабул қилиш;

ходимлар томонидан содир этилган коррупциявий ҳаракатлар ёки одоб-
ахлоқ қоидаларига риоя қиласлик тўғрисида оммавий ахборот воситаларидаги
маълумотлар;

электрон маълумотлар базаларига ёлғон маълумотларнинг киритилиши;
хизмат ваколатларини амалга оширишда манфаатлар тўқнашуви;
ваколатларни амалга оширишда маҳаллийчилик, ҳомийлик, уруғ-аймоқчилик
каби ҳолатларнинг мавжудлиги.

13. коррупциявий хавф-хатарларнинг даражаси қуйидаги ўлчовларда
баҳоланади:

Паст, Ўрта, Юқори.

14. Ички назорат тузилмаси ёки Ишчи гуруҳ томонидан коррупциявий хавф-
хатар даражасига баҳо бериш мазкур Услубиётнинг 2-иловасидаги мезонлар
асосида амалга оширилади.

4-боб. Коррупциявий хавф-хатарлар даражасини минималлаштириш чоралари

15. Коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш чоралари қуйидаги
шаклларда амалга оширилиши мумкин:

норматив-ҳукуқий ҳужжатлар ҳамда ички идоравий ҳужжатлар
лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

инсон омилини қисқартириш ва жараёнларни (вазифа ва функцияларини)
рақамлаштириш, шаффофликни таъминлаш, жамоатчилик назоратини йўлга
кўйиш;

ходимлар ва учинчи шахслар ўртасида тўғридан-тўғри алоқани максимал
даражада чеклаш;

расмий веб-сайт ва бошқа оммавий ахборот воситаларида амалга
oshiрилаётган давлат харидлари тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш
ва тарқатиш;

хизматларини кўрсатиш жараёнини соддалаштириш, асосиз чекловларни,
ортиқча маъмурий тартиб-таомилларни бекор қилиш, бюрократик тартибга солиш
механизмларини йўқ қилиш, тақдим этилган ҳужжатлар сони ва қарор қабул қилиш
муддатларини қисқартириш;

коррупцияга қарши курашишга қаратилган тушунтириш ишларини амалга
oshiриш, профилактик сухбатлар ўтказиш, ишонч телефонлари ва алоқа
каналларидаги тарғибот ишларини амалга ошириш;

ходимларнинг коррупцияга қарши курашиш ва манфаатлар тўқнашувини
бошқариш бўйича ички ҳужжатларга риоя қилишларини назорат қилиш.

коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этишда қонунчилик хужжатларига зид бўлмаган бошқа чора-тадбирларни ҳам амалга ошириши мумкин.

16. Коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш бўйича мазкур Услубиётнинг 15-бандида белгиланган чоралардан келиб чиқиб, қолдиқ хавф-хатар даражасини баҳолаш мазкур Услубиётнинг 2-иловасидаги мезонлар асосида амалга оширилади.

17. Ички назорат тузилмаси ёки Ишчи гурух томонидан мазкур Услубиётнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда коррупциявий хавф-хатарлар харитаси лойиҳаси ишлаб чиқилади.

18. Таркибий бўлинмалар томонидан ушбу Услубиётнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда коррупциявий хавф-хатарлар харита лойиҳалари ва мазкур Услубиётнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур лойиҳалари ишлаб чиқилади.

Бунда, мазкур лойиҳалар Ички назорат тузилмаси ёки Ишчи гурухга умумлаштириш учун тақдим қилинади.

5-боб. Коррупциявий хавф-хатарлар баҳолаш натижаларини умумлаштириш

19. Ички назорат тузилмаси томонидан Марказий банк фаолиятидаги вазифа ва функцияларидаги коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ҳамда баҳолаш натижалари асосида умумлаштирилган коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ишлаб чиқилади.

20. Коррупциявий хавф-хатарлар харитасига асосан коррупцияга қарши курашиш бўйича дастури ва коррупциявий хавф-хатари юқори бўлган лавозимлар рўйхати шакллантирилади.

21. Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича дастурининг лойиҳаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва жамоатчилик томонидан берилган таклифлар асосида такомиллаштирилиши мумкин.

22. Қонунчилик талабларига мувофиқ, ўрнатилган муддатларда коррупциявий хавф-хатарлар харитаси, коррупцияга қарши курашиш бўйича дастур ваколатли давлат идораларига тақдим этилиши мумкин.

6-боб. Якуний қоидалар

23. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонунчиликдаги ўзгаришлар ёки коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш амалиётидан келиб чиқиб, Услубиёт такомиллаштирилиб борилади.

Департамент директори

Ш. Қуваталиев

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
тизимида коррупцийий хавф-хатарларни
баҳолаш услубиётига 1-илова

Вазифа ва функциялар
ТАВСИФИ

№	Вазифа ва функциялар	Вазифа ва функция доирасида бажариладиган жараёнлар		Жараёнларни амалга ошириш учун жавобгар шахслар (Ф.О.И хамда лавозими)
		1	2	
Таркибий бўлинма номи				
1				
2				
3				
Таркибий бўлинма номи				
1				
2				
3				
4				

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки
тизимида коррупциявий хавф-хатарларни
баҳолаш услугубиётига 2-илова

Коррупциявий хавф-хатар даражасига баҳо бериш бўйича МЕЗОНЛАР

Коррупциявий хавф-хатар даражаси	Мезонлар
Юкори*	Фаолият (вазифа, функция, жараён) автоматлаштирилмаган.
	Фаолият (вазифа, функция, жараён) тартибига солинмаган.
	Назоратсиз тартибида иш жойида жисмоний ёки юридик шахслар билан тўғридан-тўғри алока килиш имконияти мавжуд.
Ўрта*	Фаолият (вазифа, функция, жараён) доирасида каор лойихасини тайёрлаш, кўриб чикиш ва қабул килишида бир шахс иштирок этади.
	Фаолият (вазифа, функция, жараён) да коррупциявий хатти-харакат содир этилган (жиноят содир этилганлиги суд томонидан тасдиқланган).
	Фаолият (вазифа, функция, жараён) кисман автоматлаштирилган.
Паст**	Фаолият (вазифа, функция, жараён) кисман тартибига солинган.
	Назорат тартибида иш жойида жисмоний ёки юридик шахслар билан тўғридан-тўғри алока килиш имконияти мавжуд.
	Фаолият (вазифа, функция, жараён) доирасида каорни лойихасини тайёрлаш, кўриб чикиш ва қабул килишида иккита шахс иштирок этади.
	Фаолият (вазифа, функция, жараён) да коррупциявий хатти-харакат содир этилганлиги тўғрисидаги маълумот мавжуд (жиноят содир этилганлиги суд томонидан тасдиқланмаган).
	Фаолият (вазифа, функция, жараён) тўлик автоматлаштирилган.
	Фаолият (вазифа, функция, жараён) тўлик тартибига солинган.
	Жисмоний ёки юридик шахслар билан тўғридан-тўғри алока килиш имконияти мавжуд эмас.
	Фаолият (вазифа, функция, жараён) доирасида каорни лойихасини тайёрлаш, кўриб чикиш ва қабул килишида уч ва ундан ортиқ шахс иштирок этади.
	Коррупциявий хатти-харакат ва коррупциявий хатти-харакат содир этилганлиги тўғрисидаги маълумот мавжуд эмас.

*Махсус бўлинма (ишли гурух) томонидан Марказий Банкнинг фаолиятидаги вазифа ва функциялар аниқланган хавф-хатарнинг юкори ёки ўрга даражада деб баҳолаш Марказий банк раҳбарияти билан келиштан холда амалга оширилади.

** Марказий Банкнинг фаолиятидаги вазифа ва функциялар аниқланган коррупциявий хавф-хатар дарожасини баҳолашда, агарда паст даражадаги мезонларнинг бирни мавжуд бўлса, уша коррупциявий хавф-хатар даражаси паст даражада деб баҳоланаади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
тизимида коррупциявий хавф-хатарларни
баҳолаш услубиётига 3-илова

(Таркибий бўлинма номи)
Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси

№	Таркибий бўлинманинг вазифа ва функцияси (жараён)	Функцияни (жараённи) бажариш учун масъул бўлган шахслар (главозими, бўлинмаси)	Мазкур функция (жараён)ни тартибга солувчи норматив хуҷжат	Мавжуд коррупциявий хавф-хатар ёки манфаатлар тўқнашуви (идентификация)	хавф-хатар даражаси: Юзага келиш эҳтимоли ва оқибатига кўра	Коррупциявий хавф-хатарни бартараф этиш ёки минималлаштириш бўйича назорат тадбирлари (амалдаги) (юкори, ўрга ёки паст)	Қолдик хавф-хатар даражаси (юкори / ўрга / паст)	ИЗОҲ: (коолдик хавф-хатарни бартараф этиш ёки минималлаштириш бўйича таклиф)
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1								
2								
3								
4								

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
тизимида коррупциявий хавф-хатарларни
бахолаш услугубиётига 4-йлова

**Коррупцияга қарши курашни
ДАСТУРИ**

<i>m/p</i>	<i>Вазифа ва функциялар (эсараён)</i>	<i>Юзага келини эҳтимоли маевзуд бўйлан коррупциявий ҳолатлар ёки манфаатлар тўқнашуви (идентификация)</i>	<i>Коррупция хавф-хатарларни минималлаштириши механизми</i>	<i>Илсро муддати</i>	<i>Масъул ижроочилар</i>